



# International Conference of Economics, Finance and Accounting Studies

*International Conference of Economics, Finance and Accounting Studies is a double-blind peer-reviewed, open-access journal published to reach excellence on the scope. It considers scholarly, research-based articles on all aspects of economics, finance and accounting. As an international congress aimed at facilitating the global exchange of education theory, contributions from different educational systems and cultures are encouraged. It aims to provide a forum for all researchers, educators, educational policy-makers and planners to exchange invaluable ideas and resources.*

## Замонавий Шароитларда Олий Таълим Муассасалари Молиясини Бошқаришнинг Асосий Функционал Элементлари Тавсифи

**Якубов Шохрух**  
ТДИУ мустақил изланувчиси

Давлат молиясининг фаолият юритиш тажрибаси бюджет харажатларини бошқа тақсимловчилар, бюджет муассасалари ва бюджетдан маблағ олувчилар томонидан ўзлаштириш жараёни яхлит бюджет менежментининг объекти ҳисобланади. Бюджет жараёнининг барча босқичларида мавжуд молиявий ресурсларини бошқаришда мамлакат бюджет тизимига киритилган бюджет лойиҳаларини тузиш муҳимлигини тасдиқлайди. Ҳозирги вақтда илмий адабиётларда бюджетни бошқариш назарияси ва амалиёти муаммолари етарлича ўрганилмаган. Бу масалада, кенг иқтисодчилар жамоатчилиги ўз фикрларини билдириб, уларда асосан давлат молиясининг самарадорлиги унинг турли даражаларидаги тизимли ташкил қилинадиган самарали бюджет менежменти тизимига боғлиқлиги таъкидланмоқда.

Иқтисодчи Евтух Л. Б. бюджет менежменти фаолият спектрларига тўхталиб, давлатнинг молиявий ресурсларини бошқариш тизимида бюджетни бошқариш қуйидаги хусусиятларга эгаллиги бўйича фикр билдиради:

- бюджет жараёнининг барча босқичларида объектга бошқарув субъектининг бошқарув таъсири мажмуи;
- бюджет муносабатларини қонунчилик билан тартибга солиш; режалаштириш функциялари;
- қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини (амалга оширилишини) ташкил этиш;
- ҳисобга олиш, рағбатлантириш ва назорат қилиш<sup>1</sup>.

Демак, бюджет менежменти яхлит давлат молияси менежменти ва бюджет муассасалари молиявий менежмент тизимини ўзида мужассамлаштириб, умумий мақсадлар уйғунлигидаги фаолият масштабларини ўзида мужассамлаштиради.

<sup>1</sup> Евтух Л. Б. Бюджетный менеджмент в системе управления финансовыми ресурсами государства // Львовский институт банковского дела Университета банковского дела Национального банка Украины/  
<https://core.ac.uk/reader/214859960>


Хусусан, иқтисодчилар С. В. Михайленко<sup>2</sup> ва С.М. Фроловлар<sup>3</sup> бюджет менежментини ташкил қилиш тамойиллари, функциялари, илмий-услубий ва институционал асосларини тадқиқ қилиб, уни молиявий менежмент фанининг асосий йўналишларидан бири эканлигини таъкидлайди.

Лекин кейинги йилларда, иқтисодиётдаги циклик ўзгаришлар фонида давлат бюджети тизимидаги тақчиллик, ресурсларни сарфлашнинг амалдаги механизмлари билан боғлиқ муаммолар, бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчилар томонидан харажатларни социал-иқтисодий самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларнинг давлат молияси олдига қўйилиши давлат сектори ва бюджет муассасаларида молиявий менежмент тизимини ривожлантириш вазифасини долзарблигини тасдиқламоқда.

Олий таълим муассасаларида молиявий менежмент бюджет маблағларидан оптимал фойдаланиш ва самарадорликни таъминлайдиган ва бюджет жараёнининг барча элементларини – прогнозлаштириш ва режалаштириш, ижро этиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларни тайёрлаш, назоратни қамраб олувчи жараёнлар ва тартиблар мажмуи сифатида қаралади.

Хусусан, олий таълим муассасалари позициясида молиявий менежмент молиявий-хўжалик фаолияти, умумий ва операция бюджетлаштиришни ўзида мужассамлаштирувчи молиявий режани ишлаб чиқиш, юқори сифатли ва қулай давлат (шаҳар) хизматларини кўрсатиш, натижалар ва ресурслардан самарали фойдаланиш учун масъул бўлган фаолиятни амалга ошириш жараёнларини қамраб олади.

Демак, бир сўз билан айтганда, олий таълим муассасаларида молиявий менежмент мавжуд молиявий ресурсларни манбалар кесимида оптимал шакллантириш, уларни активлар таркиби ва тузилмаси кесимида оптимал инвестициялаш ҳамда молиявий натижаларни самарали бошқариш тизимини ўзида мужассамлаштиради. Унинг асосий функционал элементлари қаторига олий таълим муассасаларида амалдаги қонунчилик нормаларига мувофиқ прогнозлаштириш ва режалаштириш тизимини, режа кўрсаткичларини молия йили мобайнида ижросини ташкил қилиш ва самарадорликни мониторингини амалга ошириш ҳамда бюджет назорати ва аудити тизимларини ўзида мужассамлаштиради.



**1.7-расм. Бюджет ташкилотларида молиявий менежментни ташкил қилишнинг асосий функционал элементлари<sup>4</sup>.**

<sup>2</sup> Михайленко С. В. Актуальні проблеми розвитку бюджетного менеджменту як науки і мистецтва / С. В. Михайленко // Актуал. пробл. економіки. –2011. –№ 1. –С. 178–184

<sup>3</sup> Фролов С. М. Науково-методичні засади розвитку інституціональної складової бюджетного менеджменту [Текст] / С. М. Фролов, Є. О. Балацький, М. А. Деркач // Проблеми і перспективи розвитку банківсь-кої системи України : збірник наукових праць. –Суми, 2011. –Вип. 32. –С.325–332.

<sup>4</sup> Расм муаллиф томонидан тизимлаштирилган.

1.7-расмдан кўришимиз мумкинки, олий таълим муассасаларида молиявий менежментни самарали ташкил қилишнинг асосий кўрсаткичлари унинг асосий функционал элементлари бўйича олинган ( $R_1; R_2; R_3; R_4$ ) самарадорлик кўрсаткичларига боғлиқдир. Ушбу самарадорликни баҳолашнинг ягона услубиётини ишлаб чиқиш лозим бўлиб, ушбу услубиётга асосланган ҳолдаги декомпозицион таҳлил натижасида харажатларнинг масъулият марказлари бўйича молиявий менежмент самарадорлигини баҳолаш ва уларнинг ҳар қайси элементлари кесимида таҳлил қилиш орқали қарорлар қабул қилиш имкониятлари яратилади.

#### **Фойдаланилган бошқа адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар Вазирлиги маълумотлари
2. Global Education Monitoring Report 2023: Technology in Education: a Tool on Whose Terms? // UNESCO. 27 Jul 2023
3. Активы / Словарь финансовых и банковских терминов [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.fintrest.ru/slovar.html>
4. Higher Education Market Report // <https://www.imarcgroup.com/higher-education-market>
5. "Financial assets". The Free Dictionary. Retrieved 2 December 2016.
6. "OECD Glossary of Statistical Terms - Non-financial assets Definition"
7. "What are Financial Assets?". *The Balance*. Dotdash. Archived from the original on 4 March 2016. Retrieved 2 December 2016.